



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 23 [14.074]

Баҳоси эркин нарҳда

ДАВЛАТ ЧЕГАРАСНИ ҚЎРИҚЛАШ ВА ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 13 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўриқлаш ва муҳофаз қилиш тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишланган ишчи йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда Президент ҳузуриндаги Хавфсизлик кенгаши аппарати ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати раҳбарлари иштирок этди. Чегара кўшинлари фаолиятининг амалий натижалари ҳамда мамлакатимиз Куроли Кучлари Олий Бош Қўмондон томонидан 2019 йил 27 август куни ўтказилган йиғилишда белгиланган вазифалар ижросининг бориши кўриб чиқилди. Бугунги кунда халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдид солаётган хавф-хатарларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси хавфсизлигини таъминлаш самардорлигини янада оширишнинг устувор йўналишлари белгиланди. Замонавий автоматлаштирилган чегара назорати тизимлари ва ахборот-коммуникация технологиялари жорий этиш, шунингдек, Чегара кўшинлари бўлинмаларининг куч ишлатар, ҳуқуқни муҳофаз қилувчи тузилмалар ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро уйғун ҳамкорлигини йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Чегара кўшинлари ҳарбий хизматчиларини профессионал тайёрлаш сифатини ошириш, уларни ҳар-

бий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва ижтимоий муҳофаз қилиш масалалари ҳар томонлама кўриб чиқилди. Марказий Осиё давлатларининг чегара идоралари билан алоқаларни изчил ривожлантириш, турли халқаро ташкилотлар билан қўшма тадбирларни кўпайтириш ҳамда хорижий шериклар билан чегараолди ҳамкорликни фаоллаштириш юзасидан эришилган келишувларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. Президент Шавкат Мирзиёев минтақада савдо, туризм алоқалари ва маданий алмашинувларни мустақамлаш, одамларнинг борди-келдисини кўпайтириш мақсадида фуқаролар ва хорижий меҳмонлар учун Давлат чегарасини кесиб ўтишда қулай шaroитлар яратиш муҳимлигига эътибор қаратди. Амалга оширилаётган ишлар танқидий таҳлил қилиниб, мутасадди тузилмалар раҳбарларига Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўриқлаш ва Ҳимоя қилиш тизимининг самардорлигини ошириш бўйича аниқ топшириқлар берилди.

ЎЗА

ТЕХНОПАРКЛАР ҚУРИШ ЛОЙИҲАЛАРИНИНГ ИЖРОСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 13 февраль куни ахборот технологияларини ривожлантириш, бунинг учун замонавий инфратузилма яратиш масаласига бағишланган йиғилиш ўтказди.

Маълумки, жорий йил юртимизда "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодий ривожлантириш йили", деб эълон қилинди. Барча соҳаларда очкилик, ошқоралик ва самардорликни таъминлаш мақсадида "Электрон ҳуқуқат" тизими кенг жорий этилмоқда. Хусусан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали 178 та хизмат йўлга қўйилиб, аҳолининг вақти ва харажатлари тежалмоқда. Рақамли иқтисодийнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши АҚШда 10,9 фоиз, Хитойда 10 фоиз, Ҳиндистонда 5,5 фоизи ташкил этади. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 2 фоиздан ҳам ошмайди. Бу соҳани ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан Ҳиндистон Республикасининг Электроника ва ахборот технологиялари вазирлиги қoшидаги Дастурий технологиялар паркини жамияти ҳамкорлигида мамлакатимизда IT-парк ташкил этилиши белгиланган эди. 2019 йил 10 январда Вазирлар Маҳкамасининг шу борадаги қарори қабул қилиниб, пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманида Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки қурилиши бошланди. Давлатимиз раҳбари ўтган йил 20 ноябрь куни ушбу паркка ташир буюриб, бу ердаги шaroитлар билан яқиндан танишди. Соҳа ривожига янада кенг шaroит яратиш мақсадида IT-паркин янги босқичи қурилишига тамад тоши қўйди. Хозирги кунда бу ерда ахборот технологиялари соҳаси бўйича 350 та маҳаллий резидент-корхона фаолият юритиб, 4 минг нафар мутахассис ишламоқда. Хорижий ҳамкорлар билан биргаликда "1 миллион

дастурчи" лойиҳасини амалга ошириш бошланди. 2020-2024 йилларда 14 та худудда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик паркиннинг филиали ташкил этилиб, резидентлар сонини 3 баробар ошириш ва ходимлар сонини 40 мингтага етказиш режалаштирилган. Бунинг натижасида компьютер ва дастурлаш хизматлари ҳажми ҳам, экспорти ҳам анча ошадди. Йиғилишда Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки ҳамда унинг филиалларини қуриш, юқори технологияли инфратузилмалар яратиш масалалари муҳокама қилинди. IT-академия, IT-лаборатория, Коворкинг маркази, Мобиль иловалар ишлаб чиқши маркази, Масофовий ахборот технологиялари марказини барпо этиш бўйича кўрсатмалар берилди. Давлат буюртмаси асосида соҳа тармоқлар учун зарур замонавий дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш механизмни йўлга қўйиш тақлифи билдирилди. Жаҳондаги тенденциялар билан ҳамқадам бўлиб, янги ишланмаларни ҳаётга фаол жорий этиш, етакчи технопарклар билан ҳамкорликни ривожлантириш муҳимлиги кайд этилди. Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки ходимлари ҳамда хорижий мутахассислар учун кўп қаватли уйлар, меҳмонхона, спорт мажмуалари барпо этиш масаласига ҳам эътибор қаратилди. Мутасаддилар қурилиш ва лойиҳалаштириш ишларининг бориши юзасидан ҳисобот берди.

ЎЗА

Муносabat ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ УЛКАН ТАШАББУС

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 12 февраль куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида янги Ўзбекистон тараққиёти йўлида муҳим аҳамиятга эга масала – эзгу қадриятларимиз бешиги бўлган маҳалла институтини фаолиятини янги босқичга кўтариш, жиноятчиликнинг олдини олиш, оилалар мустақамлигини таъминлаш, ёшларни ҳар томонлама баркамол инсон қилиб тарбиялаш борисидаги муштарак вазифаларни ҳамкорликда, бирдамликда амалга оширадиган тамомила янги тизим яратилиши тўғрисида хабардор бўлди.

Йиғилишда "Нуроний" жамғармасининг фаолияти, кекса авлод вакилларининг оилаларни мустақамлаш ва ёшлар тарбиясидаги иштироки масалалари ҳам таҳлил қилинди. Тан олиш керак, кейинги йилларда муштарак Президентимиз томонидан жамғармамиз фаолиятига алоҳида эътибор қаратилиб, барча шарт-шaroитлар муҳайё этиб берилганига қарамай, фаолиятимизда қатор камчиликлар кўзга ташланаётган эди. Очигини айтганда, бу нуқсонлар бошқа ҳамкор жамоат ташкилотлар фаолиятига ҳам кузатилаётганди. Шу боис Юртбошимиз фаолиятимиз самардорлигини ошириш юзасидан ташаббус билан чиқди. Яъни "Нуроний" ва "Маҳалла" жамғармалари, Хотин-қизлар кўмитаси, "Оила" марказини ягона кучли давлат ташкилоти – Маҳалла ва оила масалалари вазирлигига бирлаштириш тақлифи биз нуронийларнинг айна кўнглимиздаги ташаббус бўлди. Чунки шу пайтгача зиммамизга юқлатилган вазифаларни бажаришда имкониятларимиз чекланган эди.

Янги ташкил этилаётган вазирилик вазири факолатлари ҳақида эшитиб, соҳага оид давлат сиёсатини юритишнинг самарали механизми яратилганини яна бир қарра хис этдик. Чунки Маҳалла ва оила масалалари вазирлиги фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг самарали фаолият олиб бориши учун зарур шaroитлар яратиш, қонун ҳужжатлари билан берилган ваколатларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашиш, хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний мафзафаларини ҳимоя қилиш каби вазифалардан ташқари, ёлғиз кексалар, ижтимоий ҳимомга муҳтож ва кам таъминланган оилаларга моддий кўмаклашиш каби ишларни ҳам ўз зиммасига олмақда. Энг муҳими, кексаларни қўллаб-қувватлаш масаласи энди "эгасиз" тизим бўлмайди. "Нуроний" жамғармаси республика бошқаруви раиси маҳалла ва оила масалалари вазириликнинг кексалар ва фахрийлар бўйича ўринбосари сиёсатида фаолиятини давом эттиради.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, маҳаллаларда тўпланиб қолган муаммо ва камчиликларга самарали ечим топиш, тинчлик-осойишталикни асраб-авайлаш йўлида барча саъй-ҳаракатларни бирлаштириш зарурати туғилган. Янги вазирилик кўна тарихга эга бўлган ва халқ бошқарувининг бетакдор институти, миллий менталитетимиз кўзгуси ҳисобланган маҳаллаларнинг том маънода "ўзини ўзи бошқариш институти" сифатида ривожланишига тўққонлик қилаётган омиларни бартафоз этишга кўмаклашувчи куч сифатида муҳим ўрин эгаллайди, албатта.

Таъкидлаш жоиз, ягона бир мушт сифатида мақсад ва вазифалари битта вазирилик тизимига бириктирилган жамоатчилик ташкилотларининг ҳар бири, жумладан, "Нуроний" жамғармаси ҳам илгари ўз ҳолича, алоҳида фаолият юритиб келаётган эди. Сир эмаски, бошқарув тизимига узок давом этган бундай амалиёт охири-оқибатда муштарак вазифаларни айрича адо этиб келган ташкилотлар фаолиятининг заифлашуви, ижро интизомининг бузилишига, такрорий топшириқлар сонининг ортишига, ажратилган вақт ва муддатнинг беҳуда сарфланишига, энг муҳими, сифат ва самардорлигининг пасайишига олиб келди. Бундай кўнглисиз ва кеңирликам ҳолатлар, таассуфки, "Нуроний" жамғармаси фаолиятида ҳам кўзга ташланди. Тақлиф этилаётган янги тизим эса фаолиятимизни янги адо босқичда такомиллаштириш ва мавжуд камчиликларни бартафоз қилишга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда)

Инвестиция – иқтисодий драйвери

ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО ИНВЕСТИЦИЯ ФОРУМИ ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИМИЗДА УЛКАН ВОҚЕА БЎЛАДИ

Маълумки, жорий йилнинг 5-6 март кунлари биринчи Тошкент халқаро инвестиция форуми ва Хорижий инвесторлар кенгашининг мажлиси бўлиб ўтади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ўтказилаётган машур анжуман хорижий ва миллий компаниялар, инвесторлар, экспертлар ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат 1 минг 500 дан зиёд иштирокчини бир жойга тўплайдиган эксклюзив тадбирлардан бўлиши кутилмоқда. Форум дастурида "бизнес учун очкилик", "ҳудудий алоқаларни чуқурлаштириш", "технологик инновацияларни жорий этиш" йўналишларида қўллаб семинарлар, давра суҳбатлари ушатирилиши кўзда тутилган. Анжумани ўтказишдан мақсад кенг жамоатчилик ва халқаро бизнес олами вакиллари Ўзбекистон иқтисодийнинг молия, санаят, туристик каби етакчи соҳаларига инвестиция жалб қилиш имкониятларини кўриб чиқиш, уларни мамлакатимиздаги хорижий компаниялар, инвесторларнинг бизнес олиб бориши учун яратилган шарт-шaroитлар билан таништиришдан иборат. Бундан ташқари, иштирокчилар худудлар тараққиёти, рақамли технологиялар, муқобил энергетикадаги сўнги янгиликлар билан ҳам танишади.

Форумда ҳукумат вакиллари, банк-молия тузилмалари, суғурта компаниялари, корхоналар, агентликлар, уюшмалар раҳбарлари иштирок этади. Унда турли форматдаги мажлислар, мавзуга бағишланган давра суҳбатлари ушатирилади. Тошкент халқаро инвестиция форумида ўз ишининг усталари, экспертларнинг инвестиция соҳасида кечаётган сўнги тенденцияларни аниқлаб олиш бўйича тақлифлар бериши кўзда тутилган. Қолаверса, иқтисодий драйверлари ҳисобланган энергетика, машинасозлик, электротехника, ахборот технологиялари, тўқимачилик, қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат саноати, қурилиш соҳалари ҳамда худудларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш кенгайтириш ҳам кенг муҳокама қилинади.

2019 йил мамлакатимизда Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили, деб эълон қилинган эди. Шу муносабат билан ўтган йили мамлакат иқтисодий тизимига инвестиция жалб қилишда салмоқли ишлар амалга оширилди. Хусусан, тўғридан-тўғри жалб қилинган хорижий сармомалар 4,2 миллиард АҚШ долларига етказилди. Бу 2018 йил билан таққослаганда 3,1 миллиард доллар кўп ёки 3,7 баробар ўсди деганидир.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган туб ислохотлар иқтисодий

ётга тўғридан-тўғри сармомалар жалб қилиш имкониятини кенгайтирмоқда. Шунингдек, бу чегара эмаслиги, уни ошириш имкониятлари ҳали кўпчилиги яна бир дарра бўлмоқда. Шундан келиб чиқиб, 2020 йилда мамлакат янада баланд олинди. Яъни бу йил иқтисодий 5,8 миллиард долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб қилиниши мўлжалланмоқда.

Бу шунчаки ҳаводан олинган гаплар эмас, балки мамлакатимиз ҳукумати томонидан пухта ўйланган, иқтисодий тизимизга сармома жалб қилиш кўламини, имкониятлари ипидан игнасиғача ҳисоб-китоб қилинган рақамлардир.

Мамлакатимизда қулай инвестиция муҳитини шакллантириш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш, ушбу йўналишда изчил олиб борилаётган давлат сиёсатига инвесторлар ишончини мустақамлаш мақсадида бир қанча ишлар амалга оширилди. Айни пайтда Тошкент халқаро инвестиция форумини юқори савияда ўтказиш учун етакчи хорижий компаниялар, халқаро молия ташкилотлари ва оммавий ахборот воситаларини форумга жалб этиш бўйича тегишли ишлар олиб борилмоқда.

Тўғри, айримлар учун Тошкент халқаро инвестиция форумини янгилик эмасдек туюлиши мумкин. Чунки мамлакатимизда бундай йирик форумлар, бизнес анжуманлар, кўргазма ва ярмаркалар кўп ўтказилди. Лекин йўналишлар қамрови, тақлиф этилаётган иштирокчилар сони, кўзда тутилган лойиҳалар, муҳокама этилаётган масалалар кўламини билан бу гапга тадбир аввалгиларидан бутунлай фарқ қилади.

Зеро, машур воқеа Ўзбекистонда бошланган иқтисодий-ижтимоий ислохотлар шиддатли тус олган даврда, жамиятимизда жадал демократик янгилинилар кечаётган, тадбиркорларга ҳар қачонгидан кўп қулайликлар яратилаётган шaroитда юз бермоқда. Бу эса масъулиятни янада оширади.

Саидмурод РАҲИМОВ



Мамлакатимизда

- Андижон давлат университетига Захириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллигига бағишланган "Ҳар кимки вафо қилса..." деб номланган адабий тадбир иштирокчилари инсон қалбининг туб-тубига етиб борадиган, ҳар қандай кўнглини сел қиладиган Бобур ғазаллари билан айтилган "Сараҳбори оромижон", "Қачон бўлғай",

"Топилмас" каби қўшиқлар сеҳридан сармаст бўлди. Талабалар томонидан шoir ғазал ва рубойлари маромига етказилиб, юксак маҳорат билан ўқилди. Айниқса, Бобурнинг Андижонни, юртин ташлаб чиқиб кетиши, қийинчиликларга тўла ҳаёти акс эттирилган "Анда жоним қолди манинг" деб номланган сахна кўриниши тадбир қатнашчиларини гўё ўша даврга тушириб қўйди, улар шох ва шоирнинг изтиробларини бирга хис этди.

- 19-20 февраль куни Ўзбекистонда илк мартаба халқаро авиация форуми ўтказилади. Унда Ўзбекистон авиация соҳаси учун муҳим келишувларга эришилиши кутилмоқда. Кеча Ўзбекистонда илк мартаба ўтказилгани кутилаётган халқаро авиация форумига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.
- Бухоро вилояти Қорақўл тумани

электр таъминоти корхонаси биноси қайта реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. 2 миллиард 650 миллион сўм маблағ сарфланган бинода барча замонавий қулайлик яратилган. Тантанали очилиш маросими "Бухоро худудий электр тармоқлари корхонаси" акциядорлик жамияти таркибидеги 12 та туман ва шаҳар электр таъминоти корхонасининг раҳбарлари учун ҳам қувончли воқеага айланди. Уларга хизмат автомашиналари калитлари топширилди.

- Нукусда Қорақалпоғистон Республикасида насли қорвани кўпайтириш, чорва молларини тўғридан-тўғри хориждан келтириш масалаларига бағишланган халқаро агроанаят кўргазма-ярмаркиси ўтказилди. Тадбирда мамлакатимизда, жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида чорвачилик соҳасини

жадал ривожлантириш, аҳолини арзон ва сифатли чорва маҳсулотлари билан таъминлаш, соҳага хорижий инвесторларни жалб этиш борисидеги кенг қўламли ишлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Жаҳонда

- Австралиянинг Желонг шаҳри пляжиде "ашил қитъа"нинг рамзларидан бири – коаланин улкан тасвири пайдо бўлди. Таъкидланишича, улкан коала муаллифи ўз ишларини breatheableblueocean таҳаллуסי билан эълон қилувчи австралиялик номъялум рассом ҳисобланади. У бу тасвири Австралиядеги ўрмон ёнгилирида нобуд бўлган миллионлаб жонзотлар хотирасига яратган. Мутахассисларнинг тахминий ҳисоб-китоб-

ларига қўра, бир неча ой давом этган ёнгилирида миллиондан кўпроқ жонзот нобуд бўлган.

- Дубайнинг Jannarely Automotive автономилсозлик компанияси Британияга экспорт қилишга мўлжалланган Design-1 спорткарини тақдим қилди. Jannarely Design-1 UK Edition спорткар 5 та рангда – кулранг, қизил, кўк, оқ ва яшил рангларда тақдим этилган. Спорткар кипе қўринишида ишланган. У олиб қўйилувчи том билан жиҳозланган. Машинада 325 от кучига эга 6 цилиндрли двигател ва 6 погоний механик узатмалар кутиси ўрнатилган. Араб спорткарини 100 км/соат тезликка 4 сонияда эришад, максимал тезлиги 220 км/соатгача этади. Design-1нинг нархи 115 549 фунт стерлингни (150 300 доллар) ташкил қилади.

Партиялар фракцияларининг навбатдаги ййгилишлари бўлиб ўтди. Унда навбатдаги ялпи мажлис муҳокамасига киритилиши режалаштирилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

“Миллий тикланиш” демократик партияси фракциясининг ййгилишида “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси фракция аъзолари томонидан атрофлича муҳокама этилди.

Мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши натижасида фойдаланилмаётган ўрмон фонди ерлари янги ўрмонзорлар ва доривор ўсимликлар плантацияларини барпо этиш мақсадида фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўрмон хўжалиги органлари томонидан 50 йилгача муддатга ижарага берилиши таъминланади. Шунингдек, “Деҳқон хўжалиги тўғрисида”ги қонуннинг 9-моддаси деҳқон хўжалигига мерос қилиб қолдирилмайдиган умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари ёки уларнинг бир қисмини шундай ҳуқуқ сақлаб қолинган ҳолда жисмоний ва юридик шахсларга ижарага берилиши мумкинлиги тўғрисидаги банд билан тўқдорилмоқда.

Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги ййгилишида “Инновацион фаолият тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Депутатлар кайд этиб ўтганидек, айни пайтда республикамизда инновацион фаолият соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш учун қонунчилик базаси мавжуд эмас. Шундан келиб чиқиб, инновацион фаолият соҳасидаги тушунчаларни, соҳанинг субъектлари ва ушбу жараёнда уларнинг ўзаро муносабати, инновацион фаолият натижаларини трансфер қилиш, тижоратлаштириш механизми, илмий ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш масалаларида

ҳуқуқий ҳужжатнинг яратилиши соҳанинг эркин фаолият олиб боришига асос бўлиб хизмат қилади.

Қонуннинг кучга кириши орқали инновацион соҳаларнинг самарали ҳамкорлиги таъминланади, инновацион фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгиланади. Айниқса, инновацион фаолият инфратузилмаларини кенг қўламада ташкил этиш имкони вужудга келади.

Қонун лойиҳасининг маъқулланиши

натижасида антибиотикларнинг инсон организмига таъсири сусайиши кузатилмақда.

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимизда Лирика, Прегабаллин, Регален, Тропикамид, Залеплон, Селюфен, Анданте каби дори воситалари ноқонуний айланган бўйича 200 га яқин мурожаат қилинган ва натижада 47 миң ўрамдан ортиқ дори воситаси мусодара қилинган. Бу каби кучли таъсир қилувчи дори воситаларини асосан ёшлар томо-

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

орқали соҳадаги ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий муносабатларни тартибга солиш қатор норматив ҳужжатлар кўриб чиқилиб, илмий, илмий-техник ва инновацион фаолият натижаларини трансфер қилиш, ўзлаштириш ва тижоратлаштириш масалалари амалиётга жорий этилади.

Ййгилишида “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

Бугунги кунда шифокор тавсиясининг ўзини-ўзи даволаш амалиёти кенг тарқалиб бормоқда. Бунинг натижасида дори воситаларининг ноқонуний таъсирлари ортиб, кўпгина салбий ҳолатлар ҳам кайд этилмоқда. Айниқса, кучли таъсир қилувчи дори воситаларини истеъмол қилиш

нидан нотиббий мақсадларда қўлланилаётгани фракция депутатлари томонидан таассуф билан қайд этилди.

Шу мақсадда мазкур қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Жиноят кодексининг тегишли моддаларига рецепт билан реализация қилиш тартибини бузганлик масаласида жавобгарликни белгилаш бўйича ўзгартиришлар киритиш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, лойиҳа орқали дори воситаларининг ноқонуний айланishi ва уларнинг суистеъмол қилинишига йўл қўймастик, кучли таъсир қилувчи моддалар айланishiни тартибга солиш тақомиллаштирилади.

Халқ демократик партияси фракциясининг навбатдаги ййгилишида “Қимматли қозғалар бозори тўғрисида”ги қонунга ўзгартиш ва қўшимча кири-

тишни назарда тутадиган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳасининг 6-моддасига мувофиқ қимматли қозғалар бозорини тартибга солиш ваколатли давлат органи томонидан амалга оширилади. Давлат иштироки 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотлар инфратузилма облигацияларини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда чиқаради.

Қонун лойиҳасига ушбу янги меъерлар киритилган. Тақлиф этилаётган бандларда ҳавола норма кўзда тутиляпти. Шу нуқтаи назардан фракция аъзолари қонун лойиҳасини янада тақомиллаштириш, тўғридан-тўғри ишлайдиган нормалар киритишни тақлиф этди.

“Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокама этилди.

Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида ишлаб чиқилган.

Президентнинг тегишли қарорига кам учрайдиган (орфан) касалликларни даволашда ишлатиладиган тиббий буюмлар импорти давлат рўйхатидан ўтказилмасдан амалга оширилиши назарда туғувчи қатъий норма киритиш вазифаси белгиланган.

Фракция аъзолари тақдим этилаётган қонун лойиҳасининг 24-моддасига орфан дори воситалари ва тиббий буюмлари, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги буюртмаси асосида импорт қилинадиган ўта хавфли касалликлар профилактикасида қўлланиладиган дори воситалари ва уларнинг “in vitro” ташхиси тиббий буюмларини импорт қилиш давлат рўйхатидан ўтказилмасдан амалга оширилади, деган қатъий меъёр киритишни тақлиф этдилар.

Нурилло НАСРИЕВ, ЎЗА мухбири

ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДАГИ УЛКАН ТАШАББУС

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ййгилишида “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойилини амалга ошириш ҳақида сўз борар экан, маҳаллаларда аҳиллик ва ўзаро меҳр-оқибат муҳитини мустақамлаш, ёш авлодда ватанпарварлик, меҳнатсеварлик туйғуларини кучайтиришда кексалар тажрибасидан фойдаланиш муҳимлиги таъкидланди.

Дарҳақиқат, ёшларни Ватанга муҳаббат, кекса авлодга ҳурмат, кичикларга izzat руҳида тарбиялаш, оилавий низоларни ҳал қилиш, ободончилик ишларига жамоатчиликни жалб этиш, тўй-маросимларни ижтимоийлаштириш, томорқалардан оқилонга фойдаланиш борасида ҳам кексалар ибрати, ўзига хос мактаби бўлиши керак. Негаки, шиддат билан ривожланаётган ҳозирги мураккаб даврда, ёшларимизни турли ёт гоюлардан асрашда ҳар бир кекса авлод вақили ўзининг муносиб хиссасини қўшиши талаб этилади. Шу нуқтаи назардан айтадиган бўлсак, мамлакатимизда бой ҳаётий тажрибаси, бошқаларга ибрати билан жуда катта кучни ташкил қилладиган ич миллионга яқин нурунийларимиз бор. Уларнинг кўмаги билан айни мактабни яратиб олишимизга ишонаман. Бунинг учун бизда барча имконият ва шароит етарли.

Ҳа, олдимизга қўйилган вазифалар салмоғи улкан. Халқни рози қилишдек олий мақсад эса айни вазифалар ижросини маъсулият билан ўз вақтида тўлақонли, сифатли ва мақсадли таъминлашимиз учун куч ва гайрат бағишлайди. Зеро, давлатимиз раҳбари: “Оила – муқаддас” деган азалий ва эзгу гою қадрсизланиб, миңг йиллик миллий қадрларимиз завол топар экан, бу каби оғрикли ҳолатларни камайтириб бўлмайди. Бунинг учун маҳалла катта ижтимоий куч сифатида майдонга чиқиши керак. Чунки фаоллар, кўпни кўрган оқсоқоллар, тажрибали нурунийларимиз, агар истаса, жамоатчилик билан биргаликда ҳар қандай муаммони ҳал қилишга, хато қилган ёшларни тўғри йўлга солишга қодир” дея бизга катта ишонч билдирди. Бу юксак ишонччи оқламасликка эса ҳеч биримизнинг ҳақимиз йўқ.

Содиқжон ТУРДИЕВ, “Нуруний” жамғармаси республика бошқаруви раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони, сенатор

САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ СОҲАСИНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

Дастлабки маълумотлар бўйича 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган санаот корхоналари томонидан 58748,5 млрд. сўмлик санаот маҳсулотлари ишлаб чиқарилишига эришилди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан санаот ишлаб чиқариш индекси 111,1 фоизни ташкил этди.

Жами санаот ишлаб чиқариш ҳажми ўсишининг асосий омилли бўлиб, ишлаб чиқарадиган (қайта ишлаш) санаоти санаот ишлаб чиқариш индекси 111,0 фоиз, тоғ-қон ва очик қонларни ишлаш санаоти 122,8 фоизни, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаштириш 117,0 фоизни ва сув билан таъминлаш, каналлизация тизими, чиқиндиларни утилизация қилиш 106,0 фоизни ташкил қилди.

Технологик тарихи бўйича ишлаб чиқарадиган санаот таркибиде юқори технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 2915,6 млрд. сўмни (ишлаб чиқарадиган санаот таркибидеги улуши 5,7 фоизни ташкил этди), ўрта-юқори технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 12879,7 млрд. сўмни (ишлаб чиқарадиган санаот таркибидеги улуши 25,2 фоизни), ўрта кўйи технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 12723,9 млрд. сўмни (ишлаб чиқарадиган санаот таркибидеги улуши 33,8 фоизни), кўйи технологияли ишлаб чиқариш ҳажми 17989,7 (ўн етти триллион тўққиз юз саксон тўққиз миллиард) сўмни (ишлаб чиқарадиган санаот таркибидеги улуши 35,2 фоизни) ташкил этди.

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 23050,0 млрд. сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 109,2 фоизни ташкил этди. Шундан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 6711,8 млрд. сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 112,0 фоизни, ноозик озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 15404,0 млрд. сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,6 фоизни, ароқ ва шароб маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 934,2 млрд. сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 115,7 фоизни ташкил этди.

Тошкент шаҳрида санаот ишлаб чиқаришда йirik корхоналар томонидан 19161,7 млрд. сўмлик, кичик бизнес субъектлари томонидан 39586,7 млрд. сўмлик санаот маҳсулотлари ишлаб чиқарилди.

Дастлабки маълумотларга кўра Тошкент шаҳрида санаот ишлаб чиқаришда кичик бизнеснинг улуши 2019 йилнинг январь-декабрь ойларида 67,4 фоизни ташкил этган.

Жорий йилнинг январь-декабрь ойида Тошкент шаҳрида 37 688,5 млрд. сўмлик чакана савдо айланмаси бажарилиб, ўсиш суръати ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 107,6 фоизни ташкил этди.

Шунингдек, йirik корхоналар томонидан чакана савдо айланмаси ҳажми 11 184,5 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 134,7 фоизни ташкил қилди. Кичик бизнес субъектлари томонидан чакана савдо айланмаси ҳажми 23161,5 млрд. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 106,4 фоизни ташкил қилди.

Мос равишда, кичик корхона ва микрофирмалар 11 242,0 млрд. сўм ёки 105,1 фоизни ҳамда норасмий сектор 11 919,5 млрд. сўм ёки 107,6 фоизни ташкил этди.

Туманлар кесимида чакана савдо товар айланмаси ҳажмида катта улушга эга бўлган Чилонзор (17,6 фоиз), Шайхонтоҳур (11,6 фоиз), Юнусобод (11,2 фоиз) туманлари чакана савдо товар айланмасининг ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

Тошкент шаҳар Статистика бошқармаси

“Ўзбекизоқовқатхолдинг” холдинг компанияси акциядорлик жамиятида 2019 йилда озиқ-овқат санаотини ривожлантириш йўналишида амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги режаларга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

МАМЛАКАТИМИЗ ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛМОҚДА

Унда компания вакиллари тизимда амалга оширилган ишлар юзасидан маълумот берди. Мамлакатимизда 11 миңг 800 дан ортиқ мева-сабзавот, гўшт учун шакллантирилган Давлат инвестиция дастури 49 лойиҳани ўз ичига олган бўлиб, унинг қиймати 568,8 миллион долларни ташкил этади. Жорий йил 49 лойиҳа асосида 227,1 миллион доллар хорижий инвестициялар ўзлаштирилиши кўзда тутилган бўлиб, бу борада амалий ишлар олиб борилмоқда.

Президентимизнинг 2019 йил ҳудудларга таширларни доирасида берган тошйириқларига мувофиқ, Давлат инвестиция дастурига қўшимча равишда озиқ-овқат санаоти йўналишида компания томонидан жами қуввати 681,2 миңг тонна бўлган 490 инвестиция лойиҳаси ишга туширилди. Жумладан, Тошкент вилоятидаги “Melek Best Mils Agro” МЧЖ томонидан 26,9 миллиард сўм бўлган сўт ва сўт маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси татбиқ этилди. Унинг йиллик қуввати 20 миңг тоннага тенг бўлиб, 26 киши иш билан таъминланди. “Тор Oil” МЧЖ эса 107,3 миллиард сўмлик лойиҳа асосида ёғ-мой ишлаб чиқармоқда. Корхонанинг йиллик қуввати 11 миңг тоннага тенг.

Таъкидланганидек, аҳоли турмуши фаровонлиги, мамлакат иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ҳамда жяхон бозорига рақобат муҳити шиддатли авж олаётган шароитда маҳаллий маҳсулотларнинг рақобатбардорлигини ошириш орқали харидор топиш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу борада қабул қилинаётган қарор ва фармонлар, маҳаллийлаштириш дастурлари асосида “Ўзбекизоқовқатхолдинг” холдинг компанияси таркибидеги корхоналар томони-

дан 2019 йилда жами 458 миллиард сўмдан зиёд импорт ўрнини босувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. 2020 йилда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида жами 43 лойиҳа бўйича 618 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Компания томонидан маҳсулотлар экспорт географиясини кенгайтириш борасида тизимли ишлар қилинмоқда, – деди “Ўзбекизоқовқатхолдинг” холдинг компанияси бошқарма бошлиғи Б.Юнусов. – 2019 йилда 80 турдан ортиқ 90,7 миллион долларлик мева-сабзавот концентрат ва консервалари, қуритилган мевалар, қандолат, ёғ-мой, салқин ичимликлар дунёнинг 40 дан зиёд мамлакатига экспорт қилинди. Жорий йилда бу кўрсаткични 200 миллион долларга етказиш режалаштирилган. Шунингдек, “Ўзстандарт” агентлиги билан ҳамкорликда БМТнинг Женевада жойлашган Европа Иқтисодиёт комиссияси розилиги билан илк маротаба қурилувчи қовунни халқаро бозор стандартига киритишга эришилди. Бу экспортчиларимизга қуритилган қовунни исталган мамлакатга экспорт қилиш имконини беради.

Президентимизнинг 2019 йил 29 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қўқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат санаотини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Қашқадарё, Наманган ва Фарғона вилоятларида умумий қиймати 24 миңг тонна маҳсулот учун мўлжалланган 3 та замонавий агрологистика маркази барпо этилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида 60 та, импорт ўрнини босувчи 8 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилди. Натижада 1 миңг 969 янги иш ўрни яратилди.

Қарорга асосан, 2020 йилда республикамизда жами 130 лойиҳа ишга туширилиши режалаштирилган. Хусусан, пойтахтимизнинг Бектемир туманида жойлашган “Logo Trans Invest Group” МЧЖ негизиде қуввати 10 миңг тонна бўлган замонавий агрологистика маркази фойдаланишига топширилади.

Матбуот анжуманида оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

ЎЗА

ФАН ДОКТОРЛАРИНИНГ 33, ФАЛСАФА ДОКТОРЛАРИНИНГ 37 ФОИЗИНИ АЁЛЛАР ТАШКИЛ ЭТАДИ

Илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган миллий илмий нашрлар рўйхати бекор қилинмоқда. Хорижий давлатда илмий даража ва илмий унвон олганлик тўғрисидаги ҳужжатни тан олиш тартиби тубдан қайта кўриб чиқилиб, жараёнда Давлат хизматлари агентлиги ёки Ягона интерактив давлат хизматлари порталида амалга оширилиши йўлга қўйилмоқда.



Бу ҳақда Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида маълум қилинди.

Анжуманда ОАК фаолиятидаги тизимли ишлар, натижалар ва устувор вазифалар, тизимга ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш, ривожлантириш, ҳужжатлар ижроси, мурожаатлар билан ишлаш ва ижро интизомини мустақамлашга доир масалалар хусусида батафсил маълумот берилди. Шунингдек, математика, кимё ва геология каби фанлар йўналишида эришилган асосий натижалар, келгусидаги тўхталиб ўтилди.

Бугун мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида кечаётган янгиликлар ва ўзгаришлар илм-фан, таълим соҳасида ҳам юқори даражаларда бўй кўрсатмоқда, – деди Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси раиси Аҳмадбек Юсупов. – Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни тайёрлаш, аттестациядан ўтказиш масаласига юксак даражада эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2013-2019 йиллар давомида 3 миңг 450 нафар талабгорнинг 1 миңг 175 нафари фан доктори, 2 миңг

275 нафари фалсафа доктори илмий даражасига тасдиқланди. Шулардан фан доктори илмий даражасига тасдиқланган талабгорларнинг 787 нафари, фалсафа доктори даражасига тасдиқланганларнинг эса барчаси, яъни 2 миңг 275 нафари 2017 йил 1 июлдан кейинги даврда илмий даражаларга эришилди.

2017 йил 1 июлга қадар республикамизнинг олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида 40 та илмий кенгаш фаолият юритган бўлса, эндиликда уларнинг сони 160 тани ташкил қилмоқда. Ўтган 2019 йилда Олий аттестация комиссияси раёсатида жами 1612 та аттестация иши кўриб чиқилди. Жумладан, 321 фан доктори илмий даражаси, 1139 фалсафа доктори илмий даражаси, 131 профессор, 82 катта илмий ходим ва 417 нафар киши доцент илмий унвонларига тасдиқланди. 2 та фан доктори, 28 та фалсафа доктори дипломлари нострификация қилинди. 41 та аттестация ишига эса рад жавоби берилди.

Яна бир эътиборга молик масала шундаки, фан доктори илмий даражасига тасдиқланганларнинг 33 фоизини, фалсафа доктори илмий даражасига тасдиқланганларнинг 37 фоизини аёллар ташкил этмоқда.

Химоя қилинган барча диссертацияларнинг илмий натижалари амалиётга жорий қилинди.

Мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва инновацион тарақиётини жадаллаштиришда илмий ва илмий-педагогик салоҳиятини тақомиллаштириш, самарали илмий фаолиятни рағбатлантириш, олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар аттестациясини ташкил этиш сифатини ошириш бўйича бир қатор тақлифлар ишлаб чиқилди. Жумладан, Бинар (икки тили) химия тизими асосида илмий ишланма яратган фалсафа доктори ёки унга тенглаштирилган илмий даражага эга талабгорга фан доктори, илмий натижалари амалиётга татбиқ этган талабгорга фалсафа доктори илмий даражаларини бериш тартиби жорий этилмоқда. Аттестация соҳасида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари мустақиллигига эришиш учун доцент, катта илмий ходим ва профессор илмий унвонларини мустақил бериш ваколати тажриба тариқасида ОТМ рейтингини бўйича юқори турувчи 30 та олий таълим муассасасига ҳамда Фанлар академияси тавсияси асосида илмий-тадқиқот муассасаси кенгашларига берилмоқда.

Хурийд ҚОДИРОВА



Беш ташаббус – амалда

МУСИҚА ТАЪЛИМИНИНГ ФИДОЙИЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириликда "Йилнинг энг яхши болалар мустиқа ва санъат мактаблари ўқитувчиси ва концертмейстери" ижодий танлови ғолиблари тақдирланди.

Маданият вазири Озодбек Назарбеков мамлакатимизда ўқитувчилар мақоми ва нуфузини ошириш, улар учун яратилаётган имкониятларни тобора кенгайтиришга муттасил эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Ўртаимизда болалар мустиқа ва санъат мактаблари раҳбари, ўқитувчи ва концертмейстерлар рағбатлантирилаётгани, эътироф этилаётгани қувонарлидир.

2018 йилдан бошлаб 15 йўналишни ўзига қамраган "Йилнинг энг яхши болалар мустиқа ва санъат мактаблари ўқитувчиси ва концертмейстери" республика танлови ўтказилаётгани бу борадаги амалий ишларнинг исботидир. Танлов ижодкор ўқитувчиларни руҳлантириш, ёшларни санъатга ошно этиш, истеъодларни тарбиялашга туртки бермоқда.

Мазкур танловнинг илк саралаш босқичида юртимизнинг минг нафардан ортиқ ўқитувчи ва концертмейстери қатнашди. Танловнинг барча босқичлари ҳолис ва адолатли руҳда ўтишини таъминлаш мақсадида тажрибали педагоглар, санъат соҳасининг намоёндаларидан иборат ну-

фузли ҳакамлар ҳайъати тузилди.

– Кейинги йилларда мамлакатимизда бахшчилик санъати катта эътибор қаратилмоқда, – деди Термиздаги 22-болалар мустиқа, санъат ва бахшчилик мактабининг ўқитувчиси Муҳаммад Эшбоев. – Алоҳида ўқув дастурлари, китоблар орқали болаларга бахшчилик сирлари ўргатилмоқда. Бу борадаги барча амалий ғамхўрликлар ёш авлоднинг бахшчилик санъатига бўлган меҳрини тобора кучайтирмоқда.

– Мактабимиз ўқувчилари бир қатор халқаро танловларда муваффақият қозонди, – деди Бухоро шаҳридаги 5-болалар мустиқа ва санъат мактаби ўқитувчиси Лилия Ҳожибекова. – Уларнинг ютуқлари қалбимизга ғурур бағишласа, юртимизда ўқитувчилар меҳнатини ардоқлаш йўлидаги ибратли ишлар биз педагогларни янада руҳлантириб юборди.

Ҳакамлар ҳайъатининг ҳулосаларига кўра, танловда 15 йўналиш бўйича 34 нафар ўқитувчи совринли ўринларни кўлга киритиб, диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

(ЎЗА)

14 февраль – Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуди кунин

БОБУР ИЖОДИДА ВАТАН МАВЗУСИ

Пойтахтимиздаги Республика болалар кутубхонасида буюк комусий олим, шоир ва давлат арбоби Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллигига бағишланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Республика болалар кутубхонаси директори ўринбосари Р.Амиридиновнинг эътироф этишича, Бобур ижодида "Ватан" тушунчаси инсон туғилган жой, камол топган замин, ота-она, қон-қариндошлар тафтига бурканган мўъжизакор олам, "Ватан соғинчи" эса азим тупроқ, табиат, иқлим, тоғу тошга йўғрилган кенгликлар, дўсту яқинлар дийдорини кўмсашидир.

"Бобурнома" асарининг шухрат топишида ёзувчининг Ватанга муҳаббати, юрт соғинчига оид тасвирлари ҳам асосий омил ҳисобланади. Она Ватан соғинчи ижодкорнинг ҳаёти ва ижодининг асосий марказида туради.

– Инсоннинг дарду ҳасратларини, қувончу қайғусини, кишининг Ватанга бўлган меҳрини Бобурдек кенг ифода этиб берган ижодкор жaxon адабиётда кам учрайди, – дейди Ўзбек Миллий академик драма театри актрёси Аҳбор Алижонов. – Бобур ижодида ватанпарварлик, инсонпарварлик, гоялари алоҳида акс эттирилган.

Ижодкор шох сифатида бошига тушганлари, Ватандан айроликни шундай ифодалайди:



*Толёй йўқки, жонимга балолиғ бўлди,
Хар ишники айладим, хатолиғ бўлди.
Ўз ерин қўйиб, Ҳинд сори юзландим,
Ё раб, нетайин, не юз қаролиғ бўлди.*

Тадбирда ўқувчи-ёшлар томонидан Бобур ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ саҳна кўри-нишлари, шоир ғазалларидан парчалар, мумтоз куй ва кўшиқлардан иборат концерт дастури ҳавола қилинди.

ЎЗА

ИЛМ-МАЪРИФАТ ЮКСАКЛИККА ОЛИБ БОРУВЧИ ЙЎЛ

Буюк алломаларимизнинг таваллуд кунларига бағишланган турли маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатлари ўқувчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Куни кеча "Адолат" СДП Яққасарой туман Кенгаши ташаббуси билан тумандаги 135-мактабда Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 537 йиллиги муносабати билан ташкил этилган тадбир ҳам шулар жумласидан.

Бобур ҳаёти ва унинг ўлмас ижоди ҳақидаги бағдий кеча тарзида кечган тадбирда партия фаоллари, депутатлар, мактаб ўқит-

чи ва ўқувчилари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

– Кўпчилик юртдошларимиз Бобурни шох ва шоир сифатида танийди, – дейди 6-“Полвонарик” сайлов округидан сайланган депутат Мамарасул Ахматов. – Бирок унинг фаолиятига синчков назар солсан, хар жабҳада серқирра инсон эканлигига гувоҳ бўламиз. Унинг бизга мерос қилиб

қолдирган "Бобурнома" асарининг тарихчи, географ олим ҳам эканлигидан далolat беради.

Тадбир давоминда ўқувчилар билан Бобур ҳаёти ва ижоди тўғрисида савол-жавоблар ўтказилди. Узининг топқирлиги, билимдонлиги билан намуна бўлган ўқувчиларга партия томонидан эсдалик совғалари топширилди.

Зиёда РАСУЛОВА

МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети ҳузурдаги Ўзбекистон – Япония ёшлар инновация марказида юртимизда математика фанини ривожлантиришдаги муаммолар ва ечимлар мавзусида семинар ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Математика институти директори, академик Шавкат Аюпов, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирининг биринчи ўринбосари в.б. Шароф Раҳаббаев, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарма бошлиғи Улугбек Мирходжаев ҳамда республикадаги математика бўйича илмий изланиш ва мустақил тадқиқот олиб бораётган ёш олимлар, докторантлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, давлат ва тижорат банк ва ОАВ вакиллари, мутахассислари иштирок этди.

Тадбирнинг асосий мақсади математика фанини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларнинг баҳарлиши, математика соҳасида фаолият юритаётган ҳамда изланишлар олиб бораётган мутахассислар, банк ва бошқа соҳалар ўртасида мустақам манфаатли алоқалар ўрнатишга қаратилди.

Шу билан бирга, республикадаги мавжуд молия ва банк муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш масалалари ҳам қизгин муҳокама қилинди. Банк-молия, хавфсизлик, пул-кредит соҳаларидаги мавжуд муаммоларни ечиш бўйича математика олимлар томонидан тадқиқотлар ўтказилди, банк соҳаси учун муҳим бўлган мутахассис кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашда ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш бўйича фикрлар билдирилди.

Иштирокчилар томонидан Ўзбекистон ва жаҳоннинг математика соҳасидаги илгор мамлакатларида олиб борилаётган ишлар билан бир қаторда мавжуд муаммолар, математикани ўрганиш ва ёшларни математика илмига қизиқтириш, математика орқали аниқ ҳамда соҳага боғлиқ бошқа фанларни ривожлантиришга қўмақлаштириш юзасидан баҳс-мунозаралар ўтказилди. Хусусан, умумтаълим мактаблари ва олий таълим муассасаларида математика фани бўйича дарсликларнинг ҳозирги кун талабларига жавоб бермаслиги, дарсликлар ўқувчи ва талаба-

ларнинг мустақил мавзунини ўрганишлари учун мўлжалланмагани боис фанини ўзлаштиришда қийинчиликлар вужудга келаётгани айтилди.

Ўз навбатида математика бўйича халқаро олимпиадаларга ўқувчи ва талабаларни тизимли тайёрлаш механизминини ишлаб чиқиш масаласи ҳам кўтарилди. Шунингдек, юртимиздаги барча олий таълим муассасаларида тан олинган математика бўйича миллий стандартлаштирилган тест тизимини жорий қилиш лозимлиги қайд этилди. Бундай тизимнинг яратилиши, аввало ёшларнинг математика бўйича билимларини оширишга ёрдам берса, иккинчи томондан таълим тизимининг барча босқичларида коррупцияни олдини олишга хизмат қилади.

Семинар давоминда математика соҳасидаги олимлар, профессорлар, тадқиқотчилар, мустақил изланиш олиб бораётган ёш олимлар ва банк соҳасидаги мутахассислар билан доимий ўзаро манфаатли алоқаларни ташкил этиш мақсадида замонавий ахборот технологиялари ютуқларидан кенг фойдаланган ҳолда платформа яратиш масалалари муҳокама қилинди.

Банк ва молия соҳасидаги математика ахборот хавфсизлиги ва бошқа масалаларда тадқиқотларни ўтказиш ҳамда хорижий давлатлардаги илгор тажрибаларни ўрганиш ҳамда таҳлилий маълумотлар тайёрлаш бўйича илмий-амалий ҳамкорликни йўлга қўйишга келишиб олинди. Республикаимиздаги банк муассасалари томонидан Математика институти ҳамда математикага ихтисослашган бошқа илмий ва тадқиқот муассасаларига мавжуд муаммолар юзасидан буюртмаларни шакллантириш, амалга ошириш, уларни молиялаштириш масалалари муҳокама қилиш лозимлиги белгиланди. Семинар иштирокчилари ҳар ойда бир мартаба ўрашувлар ташкил этишга келишиб олдлар.

Инновацион ривожланиш вазирилик Ахборот хизмати



АЛ-ХОРАЗМИЙ ИЗДОШЛАРИ

Ҳаммаиз турли-туман машхур юнон математикларининг номларини эшитганимиз. Мисол учун, Пифагор (Пифагор теоремаси машхур), Эвклид (Эвклид геометрияси) ёки ўз соҳасининг энг илгорларидан бўлган Архимед. Лекин биз Алгебра фанининг асосчиси Ал-Хоразми ҳақида нималар биламиз? Хоразми ким бўлган?

Миробод туманидаги 125-сонли умумтаълим мактабида ташкил этилган февраль математика фан ойлиги доирасидаги "Ал-Хоразми издошлари" номи тадбирда бу ҳақида тўлиқ маълумотлар берилди.

Хоразми ёшлик чоғлариданоқ сезиларли қобилиятлари билан яққол ажралиб турар ва тенгдошлари орасида энг истеъодли бола эди. Аллома ҳақидаги бу ва бошқа маълумотлар ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Тадбир шiori "Хоразми бўлмаسا нетардинг дунё, ҳисобда адашиб кетардинг дунё" остида ташкил қилинди.

Тадбир аввалида улғ аллома Муҳаммад ал-Хоразмининг буюк ва бебаҳо меросини қадрлаш, уни ёш авлод онгига чуқур сингдириш, ўқувчиларнинг аниқ фанларнинг юксак марраларини забт этишига қўмақлаштириш, ахборот-коммуника-

ция технологиялари соҳасидаги иқтидорларини аниқлаш ҳамда қобилиятларини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилгани таъкидлаб ўтилди.

Мазкур тадбирни ўтказишдан асосий мақсад бизгача етиб келган бой математик билимларни ўқувчилар чуқур эгаллаш ва аждодларимиз каби бутун дунёга биз кимнинг авлодлари эканлигини танитишга ҳисса қўшишдир.

Ёш авлоднинг илм эгаллашга бўлган иштироки ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини такомиллаштиришда бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта. Бу каби таълим муассасаларида ўтказиб келиниши ўқувчиларни янада кўпроқ изланишга ундайди.

Дурдона АБДУРАИМОВА

ЎЗБЕКИСТОНДА УРБАНИЗАЦИЈНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Ўзбекистон Республикаси урбанизация жараёнини амалга оширишда қатор муаммоларга дуч келмоқда.

Сўнги 10 йил давомида (2009-2018 йиллар) 13 минтақадан 10 тасида урбанизация даражаси пасайиши (51,7 фоиздан 50,6 фоизгача) кузатилмоқда. Урбанизация даражаси Хоразм (33,3 фоиз), Сурхондарё (35,5 фоиз), Бухоро (37,4 фоиз) ва Самарқанд вилоятлари (37,4 фоиз)да пасайган.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, Ўзбекистонда жаҳон кўрсаткичларига нисбатан урбанизация даражаси паст. БМТнинг халқаро рейтингига мувофиқ (2018 йил ҳисоботида кўра) Ўзбекистон урбанизация даражаси бўйича 233 та жаҳон мамлакатини орасида 155-ўринни эгаллаган, ушбу кўрсаткич дунёда ўртача 55,3 фоизни, МДХ мамлакатларида 66,0 фоизни, Россияда 74,4 фоизни, Туркияда 75,1 фоизни, Қозоғистонда 57,4 фоизни, Туркменистонда 51,6 фоизни ташкил қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Олий Махлисга Мурожаатномасида урбанизация жараёнларини жадаллаштирган ҳолда худудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш кераклигини таъкидлади. Бу вазифа билан боғлиқ яна бир масала шуки, асосий ишчи кучи яшайдиган ва иш ўринлари яратилаётган худудларимиз ўртасида тафовут мавжуд, бу эса минтақаларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишига таъсир этади. Мамлакатдаги мавжуд вазият бозор механизмларининг комплекс диверсификацияси негизинда минтақаларнинг иқтисодий аниқ йўналтирилган роли кучайтирилишини талаб қилади.

Шу муносабат билан урбанизация жараёнларини жадаллаштирган ҳолда худудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитини яратиш керак. Ушбу мақсадларни амалга ошириш доирасида ички миграцияни либераллаштириш тўғрисида Президент қарор қабул қилди. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси аҳолиси фаровонлиги орттишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, Президент хусусий секторни уй-жой қурилишига кенг жалб қилмай туриб, шаҳарлар эҳтиёжини тўла таъминлаб бўлмайди, инвестиция лойиҳаларини лойиҳалаштириш, амалга ошириш ва жойлаштиришда, аynиқса, катта шаҳарларда шаҳар аҳолиси сонини тўғрисидаги статистик ҳисоботларда маълум хатоликларга йўл қўйиш мумкин.

Юқорида қайд этилган муаммоларнинг ҳал этилиши аҳолининг реал пул даромадлари ва харид имкониятларини оширишда, кам таъминланган оилалар сонини камайтириш, бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсия, стипендия, ижтимоий нафақалар миқдори инфляция суръатларига нисбатан тезроқ ўсишига олиб келади.

Нигина МАГДИЕВА,
"Тараққиёт стратегияси"
маркази лойиҳалари координатори

КАМЧИЛИКЛАРГА ЕЧИМ ИЗЛАБ

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириликда Президентимизнинг 2020 йил январь ойида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати қўшма мажлисида сўзлаган нутқи ҳамда Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар, режалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Таълим муассасалари раҳбарлари билан очик, конструктив, самимий руҳда ўтказилган учрашувда соҳадаги долзарб масалаларга жиддий эътибор қаратилди.


Маданият вазири О.Назарбеков давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида маданият ва санъат соҳаси вакиллари, тизимдаги олий таълим даргоҳлари мутаассадилари зиммасига ҳам жиддий вазифалар қўйилганини таъкидлади.

Олий таълимга қамровни кенгайтириш, аynиқса, қизларга алоҳида эътибор қаратиш, билим олиш истагидаги йигит-қизлар учун зарур шароитларни яратишга доир амалий тақдир, кам таъминланган юртимизнинг кенг жамоатчилиги, таълим соҳаси вакиллари, ота-оналар, ёшлар томонидан қизгин кутиб олинди. Шу билан бирга маданият ва санъат муассасаларига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг моддий-техник базасини мустақамлаш, янги маданият объектларини барпо этиш бўйича амалий фикрлар билдирилди.

Йиғилишда замон талабига мос, шунингдек, хориж мамлакатлари тажрибаларини ўрганган ҳолда янги ўқитиш ва таълим бериш усулини яратишга эришиш муҳимлиги қайд этилди. Айни пайтда коррупцияга қарши курашини кучайтириш, бу иллатнинг олдини олиш, таълим соҳасида қўшимча дарсликлар яратиш, хусусан, дамли ва зарбли чолғулар учун етарли даражада ўқув қўлланмаларини ишлаб чиқиш, таълим масканларининг моддий-техник базасини мустақамлаш гоят муҳимдир. Бугунги кунда ёшлар истеъодини қамқаб ётишга доир ижодий танловларни ҳам янада қизиқарли, санъат муҳлислари, ижодий жамоатчилик эътиборини жалб этадиган юксак даражада, креатив ёндашув асосида ташкил этиш кераклиги таъкидланди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан амалий иш режалари белгилаб олинди.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири



Танлов

ГОЛИБЛАР РАҒБАТЛАНТИРИЛДИ

Президентимиз томонидан илгари сурилган 5 муҳим ташаббус ижроси доирасида "Мен муаллифман" танлови ташкил этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказган мазкур танловда 280 нафар ёш ижодкор иштирок этиб, 50 нафар муаллифнинг ижодий иши республика босқичига тавсия қилинди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Сайиддин мамлакатимизда ижод аҳлига қаратилаётган эътибор, ёшларга кўрсатилаётган гамхўрлик ҳамда ҳозирги адабий жараён ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Танлов голиблари тақдирланди.

Махсуд ҚОСИМОВА

ЁШЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Бадий академияси Бадий ижодкорлар уюшмасида Камолiddин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти ректори билан ёшларнинг учрашуви бўлди.

Институт ректори Н.Сайфуллоев Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисиغا Мурожаатномаси ёшлар ҳаётида туб бурилиш ясаши, уларнинг иқтидорини ривожлантириши, истеъдодли ўғил-қизларни қўллаб-қувватлаши, ижтимоий-сиёсий фалонглигини ошириши, ҳуқуқий онгини юксалтиришида муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Институт мамлакатимиздаги тасвирий ва амалий санъат, дизайн ва санъатшунослик соҳаларида олий маълумотли, етув малакали мутахассис кадрлар тайёрлайдиган ягона етакчи таълим муассасаси ҳисобланади. Ҳозир институтда талабалар бакалаврият босқичида 23, магистратура босқичида 13 йўналиш бўйича таҳсил олаётди. Институт талабалари турли халқаро ва республика миқёсида ўтказилаётган фестиваллар, танлов-кўргазмалар, фан олимпиадаларида мунтазам иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллаб келмоқда.

Президентимиз ҳар бир чиқилишида ёшларга кенг йўл очиб, илм-маърифат эгаллашида унун муносиб шарафни яратиш лозимлиги ҳақида гапирди, — дейди биринчи курс талабаси Махсуд Қосимов. — Бугунги учрашувда институт миқёсида талабалар ўртасида "Энг яхши мўйқалам соҳиби", "Энг зўр мусавир", "Энг маҳоратли дизайнер" каби танловлар мунтазам ўтказиш таклифини билдирдим. Бу каби танловлар бизнинг иқтидоримизни янада намоян этишига, ўз устимизда ишлашга рағбат бўлади.

Ш.МАМАТУРОВА

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети томонидан 2015 йилда Хамраева Азиза Абдувахидовна номига В № 811909 рақамли бакалавр дипломи йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Тошкент шаҳар, Яққасарой туманидаги 26-сонли умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2006 йилда Адиллов Шўҳрат Джуроҳоджаевич номига берилган У № 2273898 рақамли шаходатнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ


"Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри" ДУК томонидан "MAX VENTE" МЧЖ номига Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шох кўчаси, 59-ўй манзилида жойлашган дўкон учун берилган 10:09:01:02:0126 кадастр рақами, № 9-237/2010 реестр рақамли кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Бекор қилиш!

"Realtor Garant Business" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказилаётган очик аукцион савдолари бекор қилиш тўғрисида маълум қиламиз!

"Realtor Garant Business" МЧЖ Аукцион савдосига қўйилган №19 07.02.20, №18 06.02.20, №20 14.07.20 сонларида чоп этилган эълонлар хато кетганлиги сабабли бекор қилинсин.

"Realtor Garant Business" МЧЖнинг Тошкент шаҳри, Сергели тумани, 3-мавзеси, 4-уй. Телефон: (99) 009-54-35. Гувоҳнома № 0052



тезиқда жоди. Ҳарорат кечаси — 3-5 даража илқик, кундузи — 6-8 даража илқик бўлади.

Тошкент шаҳрида 15 февраль кунини ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёғим ёғиб, қорға айлангани эртмоғи бор. Шарқдан гарба айлангани ўзгартирган шамол секундида 5-10, кучайган ҳақида 12-17 метр

ОФИР АТЛЕТКАЧИЛАРИМИЗ ХАЛҚАРО МУСОБАҚАНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАДИ

Тошкентдаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида оғир атлетика бўйича катталар ўртасида ўтказилган VI Халқаро бирдамлик мусобақаси якунланди.

нидан бир қатор ўқув-машғулот йиғинлири ташкил этилди.

Спортчиларимизнинг жорий йилги спорт мавсумида кутиб турган нуфузли халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишида давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 9 мартдаги "Ўзбекистон спортчиларини 2020 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларига тайёрлаш"га оид қарори муҳим аҳамият касб этмоқда.

Спортчиларимизга яратиб берилаётган улкан эътибор ва гамхўрлик самарасини атлетларимиз VI Халқаро бирдамлик мусобақасида намоян этди.

VI халқаро бирдамлик мусобақасида 55 килограммгача вазн тоифасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Муаттар Набиева терма жамоамиз ҳисобига 3 та кумуш медаль кўшиб қўйди. 64 килограммгача вазн тоифасида мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган Фотима Ҳабибуллаева терма жамоамизга бронза медал келтирди.

Вазни 71 килограммгача бўлган хотин-қизлар ўртасида қатнашган ҳамюртимиз Кумушхон Файзуллаева даст кўтаришида 99 килограмм, силтаб кўтаришида 124 килограмм, иккикурашга кўра 223 килограмм натижа билан 3 олтин медални қўлга киритди. Шунингдек, мазкур вазнда иштирок этган яна бир атлетимиз Нигора Сувонова уч йўналишда кумуш медаль билан тақдирланди.

Эркалар ўртасида 73 килограммгача вазн тоифасида баҳс олиб борган полвонимиз Достон Ёқубов даст кўтаришида бронза, силтаб кўтариш ва иккикураш натижасига кўра икки кумуш медалга сазовор бўлди.

81 килограммгача вазн тоифасида Муҳаммадқодир Тоштемуров ҳамда вазни 89 килограммгача бўлган Сарварбек Зафаржонов каби атлетларимиз учтадан олтин медални қўлга киритди. 96 килограммдан оғир бўлган атлетлар ўртасида Умарбек Шоҳназаров эса иккита бронза медалга эга бўлди.

Вазни 109 килограммгача бўлган оғир атлеткачилар ўртасида умидли спортчимиз Акбар Жўраев даст кўтариш баҳсларида 189 килограммлик шангани ўзига бўйсундириб, жаҳон рекордини янгиллади. Силтаб кўтаришида 221 килограмм, иккикураш якунига кўра 410 килограмм натижа қайд этди. Шу тариқа А.Жўраев уч йўналишда олтин медаль соҳиби бўлди.

Тўғриси, мусобақада жаҳон рекордини янгилашни кутмагандим. Бироқ мураббийларимнинг ёрдами ва халқимизнинг ишончи сабаб, янги рекорд ўрнатиб, терма жамоамизга учта олтин медал тақдим этдим. Бунинг учун уларга ўз миннатдорлигини билдириман, — дейди А.Жўраев. — Мақсадим Олимпия ўйинларида ҳам шохсупа тўрига кўтарилишидир.

Жавоҳир ТОШХҲАЕВ

ТАЛАБАЛАР ТАКЛИФИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида "Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисиغا Мурожаатномасида белгиланган устувор йўналишлар: ёшларнинг маънавий ва маърифий савиясини доимий юксалтириш — биринчи даражали вазирамиз" мавзусида семинар ўтказилди.

Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда сенаторлар, институт профессор-ўқитувчилари, талабалар иштирок этди.

Президентимиз Мурожаатномасида белгиланган вазибалар, айниқса, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни илм-маърифат ва спортга кенг жалб қилиш каби масалаларни тизимли бажариш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Хусусан, маданият ва санъат муассасаларига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш чораларини кўриш борасидаги вазибаларга алоҳида тўхталиб ўтилди. Жорий йилда бюджет маблағлари ҳисобидан 20 маданият маркази ва истироҳат боғи фаолияти йўлга қўйилди. Кинематография соҳасида бадий етув асарлар яратиш, замонавий киноиндустрияни ривожлантириш, жумладан, янги кинотеатрлар қуришни таъминлаш эътибор марказида бўлади. Жорий йилда давлат бюртимиз асосида кино махсуслотлари ишлаб чиқаришни молиялаштириш такомиллаштирилади. Шу боис давлатимиз раҳбари томонидан Кинематографияни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ҳамда "Кинематография тўғрисида"ги қонун ишлаб чиқиш бўйича зарур кўрсатма берилди. Бу саъй-ҳаракатлар, аввало, ушбу йўналишда таҳсил

олаётган ёшлар учун кенг имкониятлар эшигини очди.

Бироқ сўнгги йилларда санъат ва маданият йўналишини битирган ёшлар ўз соҳасида фаолият юритмаётир, шу туфайли мутахассисларга талаб юқори бўлмоқда.

Семинарда Сенатнинг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Бахтиёр Сайфуллаев ёшларни малакали кадр қилиб тайёрлаш, олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларини оптималлаштириш борасида қилиниши зарур бўлган ишларни айтиб ўтди. Айниқса, мутахассисликка алоқаси бўлмаган ижтимоий фанлар сонини қисқартиришда талабалар фикрини ўрганиш муҳимлиги ҳақида сўз борди.

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти ёшлари томонидан бир қатор таклифлар илгари сурилди. Жумладан, китобхонлик маданиятини юксалтиришга қаратилган "Энг яхши китобхон талаба", "Энг яхши китобхон гуруҳ" каби танловлар ташкил этиш, фаол талаба ва ўқитувчиларни тақдирлаш каби таклифлар маъқулланди. Талабалар ўртасида Шарқ алломалари ҳаёти ва бой маънавий меросига бағишланган халқаро анжуман ўтказиш, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда "Маданият ва маърифат" телеканалда "Талаба минбари" номли кўрсатув ташкил этиш, унда таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар хусусида ёшлар фикрини бериб бориш таклифи ҳам қўллаб-қувватланди.

Абдулазиз МУСАЕВ, ЎЗА мухбири

Мазкур спорт тадбири жорий йили Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган спорт оламининг энг нуфузли мусобақаси — XXXII ёзги Олимпия ўйинлари муҳим рейтинг очколарини тақдим этгани боис ҳар бир вазн тоифасидаги баҳслар шиддатли кечди.

Ўзбекистон Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Оғир атлетика федерацияси томонидан Осиё оғир атлетика федерацияси ва Халқаро оғир атлетика федерацияси билан ҳамкорликда ташкил этилган турнирда дунёнинг 62 давлатидан 350 га яқин атлет голиблик учун ўзаро куч синашди.

Мамлакатимизда спорт, жумладан, Олимпия ўйинлари дастуридан жой олган оғир атлетикани ривожлантиришга доимий эътибор қаратилаётгани, нуфузли спорт анжуманларини юқори савияда ўтказиш учун барча имкониятлар борлиги ҳамда замонавий спорт инфратузилмаси мавжудлигини инобатга олиб, Халқаро оғир атлетика федерацияси (IWF) ва Осиё оғир атлетика федерацияси (AWF) томонидан мазкур мусобақаларга мезбонлик қилиш ҳуқуқи Тошкент шаҳрига топширилди.

Оғир атлетика Ўзбекистонда энг ривожланган спорт турларидан эканига яна бир бор гувоҳ бўлдим. Ўтказилаётган мусобақа ҳам жуда юқори савияда ташкил этилганини алоҳида айтиб ўтмоқчиман, — дейди Халқаро оғир атлетика федерациясининг амалдаги президенти Урсула Папандреа (АҚШ). — Ўйлайманки, Олимпия ўйинларида ҳам ўзбек спортчилари улкан муваффақиятга эришади.

Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси томонидан чемпионатни эканига яна бир бор гувоҳ бўлдим. Ўтказилаётган мусобақа ҳам жуда юқори савияда ташкил этиладиган спорт мажмуасининг халқаро стандартларга мос келишини таъминлаш бўйича изчил ишлар олиб борилди.

Ушбу мусобақада спортчиларимизнинг улкан зафарларни қўлга киритиши учун федерация томо-

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида нодир ва алоҳида қимматли нашрларни эҳтиётлаб сақлаш, уларни консервация ва реставрациялашнинг замонавий услубларини жорий қилиш бўйича тизимли ишлар олиб борилмоқда.

КИТОБХОНЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

Шу билан бирга босма нашрлар, адабиёт ва санъат асарлари, қўлёзма ва график ҳужжатлар, тарихий ҳужжатлар ва нодир нашрларнинг электрон фондиди шакллантиришга доимий эътибор қаратилмоқда.

Зеро, маърифий ресурслар замонавий шароитда катта аҳамият касб этмоқда. Буни нодир ва алоҳида қимматли ахборот-кутубхона ресурсларига кўп сонли фойдаланувчиларнинг мурожаатлари ҳам тасдиқлаб турибди.

Фонднинг электрон ресурслар сақлиниши, тўлиқлиги ва яхлитлигини, бус-бутунлигини таъминлаш, фойдаланувчиларга ўз вақтида ва сифатли хизмат кўрсатиш, ахборот-кутубхона ресурслари электрон каталогини ҳамда ягона электрон ахборот-кутубхона фондиди шакллантириш юзасидан тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, кутубхонада "Нодир нашрлар ва қўлёзмалар" маълумотлар базаси дастури жорий этилган. Дастурга нодир нашрлар каталоги ва асарнинг тўлиқ матни киритилган. Шу-

нингдек, алоҳида фойдаланувчилар (олимплар, мутахассислар ва тадқиқотчилар) мазкур дастур ёрдамида ўзларини қизиқтирган мавзулар бўйича шарҳлар, соҳавий мақолаларни жойлаштириш имконига эга бўлишади.

Бу миллий дастурнинг афзаллиги шундаки, фойдаланувчи интернет орқали www.nodir.natlib.uz онлайн тизимида қўлёзмалар, нодир китоб, альбом, газеталар каталоги ҳамда тўлиқ матни билан танишади. Яъни, китобхон қаерда бўлишидан қатъи назар, қўлидаги смартфон орқали икки-уч аср аввал битилган манбани бемалол ўқий олади.

Ҳозир базага 1855 та китоб, 118 та қўлёзма, 22 та альбом, 2670 вақтли матбуот нашри киритилган бўлиб, бу ишлар тизимли давом эттирилмоқда. Ушбу дастур фойдаланувчига қисқа вақтда барча ахборот ресурсларини бир маконга умумлаштириш, кенг қўламли маълумотларни сифатли тақдим этиш имконини беради.

(ЎЗА)



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: (0-371) 233-28-95. Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашринг етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин. Газета тахиринг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@gmail.uz

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 1193 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Буюртма Г-246

Топшириш вақти: 13.00 Босишга топширилди: 15.20